# ҲУРРИЯТ

## МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

27 июнь - 4 июль 2000 йил

25-26 (178-179) - сон

Чоршанба кунлари чиқади    1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган



2-БЕТ

Йўлимиз тушиб Ғиждувонга боргандик. Мақола бошида қайд этилган "ғиждувонча аньана"га мувофиқ, туман ҳокимияти мутасаддилари шу хўжалик ҳақида зў—ўр мақола ёзсангиз бўлади, дея "Мироншоҳ—I"ни кўрсатишди...

3-БЕТ

Энг сергап журналистни биласизм?
Хушмуомаласини—чи?
Сийрак сочлисини—чи?
Инжиғу семизини—чи?..

4-БЕТ

Учқулочда меҳнатга яроқли аҳолининг 60 фоиздан ортиқроғи ишсиз...


# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

**Азиз дўстлар!**

Авваламбор, барчангизни миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радио-телевидение ходимлари, балки ҳаётимизда эзгу мақсадлар йўлида эришаётган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва мавқеини эътироф этадиган ва қадрлайдиган ҳар бир юртдошимиз учун ҳам муҳимдир.

Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам.

Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касби-кори, лавозимидан қатъи назар, ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду ғамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шуни яхши англаб олиш зарурки, бизнинг нозиктаъб, кўпни кўрган, доно халқимизга муносиб суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, авваламбор, матбуот заҳматкашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак.

Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоячисига айланиши лозим.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Ҳаққоний сўз, теран тафаккур ва илҳом доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

**Ислом КАРИМОВ**
Ўзбекистон Республикаси Президенти




# ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ

Журналистнинг газета ё журналда, телевидение ё радиодаги ҳар чиқишининг ўзи бир танлов! У ифода этган СЎЗ кўпчиликнинг қалбига, онгига етиб борса, кўпчиликнинг эътиборини қозонса — шунинг ўзи танлов! Бугуннинг энг муҳим ва долзарб ГАПини ким ўхшатиброқ ва таъсирлироқ қилиб айта олди — танлов ўшаники!

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ўтказаётган анъанавий "Йилнинг энг яхши журналисти" танловига бу сафар 1999 йилда эълон қилинган энг сара асарлар тақдим этилди. Унда Республикамизнинг барча вилоятларида яшаб, турли тилларда ижод қилаётган етук журналистлар, матбуотимизнинг фаол жонкуярлари иштирок этдилар. Улар билан таниша туриб бир нарсадан қувонади кўнгил: журналистларимиз Ватанимиз истиқболи, Мустақиллигимизнинг равнақи, Халқимиз шоду хуррамлиги орзусида ўзларининг бор маҳорату истеъдодларини сафарбар этмоқдалар, тинмай изланмоқдалар. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар орасида ғолибликка лойиқлари кўп, афсуски, танлов шартлари ғолиблар орасидан ғолиблар номини эълон қилишгагина йўл қўяди.

1999 йилнинг энг яхши журналистлари билан таништирар эканмиз, ғолибларга, танлов иштирокчиларига, барча журналистларимиз ва қаламкашларимизга ижодий зафарлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

### "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ"

Кутлибека **РАҲИМБОЕВА** — "Саодат" журналининг бош муҳаррири ўринбосари

Людмила **МЕРВИНСКАЯ** — Ўзбекистон телевидениесининг рус тилидаги "Таҳлилнома" дастури бошловчиси

Нарзулла **РАВШАНОВ** — "Халқ сўзи" газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири

### РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР

Қўчқор **НОРҚОБИЛ** — "Ўзбекистон овози" газетасининг мухбири
Каримжон **МУҲИДДИНОВ** — "Овози тожик" газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири
Хатира **НУРБАЕВА** — "Нурли жол" газетасининг масъул котиби
Номоз **САЪДУЛЛАЕВ** — "Фидокор" газетаси бўлим мудири
Ортиқали **НАМОЗОВ** — "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг мухбири
Ўмурбой **ЎТУВЛИЕВ** — "Еркин Қарақалпақстан" газетасининг мухбири
Абдумутал **АБДУЛЛАЕВ** — "Андижоннома" газетаси бўлим мудири
Алижон **САФАРОВ** — "Ватанпарвар" газетасининг мухбири
Ойбек **ЮНУСОВ** — "Спорт" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари


5-БЕТ

Дунёда 8 млн. киши героин, 13,3 млн. киши кокаин, 141,2 млн. киши марихуана, 280 млн. кашанда эса синтетик наркотик моддалардан фойдаланмоқда!!!

6-БЕТ

Қонун ҳимоячилари орасида етарли билимга эга бўлмаган, ўз устида ишламайдиган, инсон тақдирига бефарқ қаровчилар ҳам йўқ эмас. Баъзан суд раҳбарлари ўз қўл остидаги судьяларга малакасиз кўрсатма берадилар.

7-БЕТ

"Бутун мамлакатда Адҳам Ҳамдамдай оғзаки ҳикоялар устаси йўқ", дейишмоқда. Қани, кўрайлик-чи?

8-БЕТ

Маошидан шикоят қилаётган "Шум бола" журналистларнинг боқибеғамлигидан ёзғирмоқда.


**ҚИЁС**

Сўнгги 30 йилда АҚШ ядровий қуролининг 59 фоизини, NATO эса, ўзининг субстратегик ядровий жанговар каллакларининг 85 фоизини тугатган.

**ЙЎҒ-Э!**

**Келгуси байрамгача гонорар ошади**

**РАҚАМ**

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПКЕ) сўнгги форумида 1 июлдан бошлаб бир кунлик нефть қазиб олиш квотасини 708 баррелейга етказишга келишиб олинди. Шунга кўра, бир кунда дунё бўйича 77 миллион баррелей нефть қазиб олинади.

